



O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor shaharchasi  
Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, 221200, Янгибозор шаҳарчаси, Тел: 41-94-256

020 йил "5" май

№ 882

Янгибозор тумани

**Янгибозор туманидаги Боғолон қишлоғининг  
“Санжар” ҳудудидан “BLESSING OASIS”  
масъулияти чекланган жамиятига “Замонавий  
типдаги (экин ер майдонига экиладиган)  
иссиқхона” қурилиши учун ер майдони ажратиш  
тўғрисида**

Янгибозор туманидаги Боғолон қишлоғининг “Санжар” массиви ҳудудидан “BLESSING OASIS” масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг “Замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона” қурилиши учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган ёзишмаси ҳамда Янгибозор туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, Хоразм вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси, Янгибозор туман СЭО маркази, Янгибозор туман ФВ бўлимининг хулосалари ҳамда ушбу юзасидан Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг далолатномаси, хулосаси ва баённомасини кўриб чиқиб, Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, ташкилот ва фермер хўжалиқларига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг баёнига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасига асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг “BLESSING OASIS” масъулияти чекланган жамиятига Санжар массиви қишлоқ хўжалиқ ер харитасининг 27-контуридан 3,0 гектар замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун 25 балл бонитетли экин ер майдони вақтинча фойдаланиш (30 йил муддат)га ажратиш тўғрисидаги далолатномаси, хулосаси ва баённомаси маъқуллансин.

2. “BLESSING OASIS” хусусий корхонасига Боғолон қишлоғидаги “Санжар” массиви қишлоқ хўжалиқ ер харитасининг 27-контуридан 3,0 гектар ер майдонида замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун 25 балл бонитетли экин ер майдони вақтинча фойдаланиш (30 йил муддат)га ажратиш берилсин.

3. “BLESSING OASIS” хусусий корхонасига;  
- лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда тегишли корхона ташкилотлардан хулосалар олиш вазифаси юклатилсин;

-мазкур қарор АРТ-1, АРТ-2 ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш учун асос бўлиб, қурилиш ишларини амалга ошириш учун асос бўла олмайди;

-Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддаси 10-қисмига мувофиқ 1 йил мавбўйида ажратиладиган ер майдонидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда ва бошқа мақсадда фойдаланилганда қабул қилинган қарор ўз кучини йўқотиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Янгибозор туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига Вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин 2 (икки) кунлик календарь иш кунида ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Янгибозор туман ер ресурслари ва ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ажратиб берилган ер майдонини ўз жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш ва ер ҳисоботига ўзгартириш киритиш, Янгибозор туман қурилиш бўлими (О.Давлетов)га ушбу қурилиш ишини шаҳарсозлик норма ва қоидалари мос келишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

8. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилишни туман ҳокими ўринбосари Б.Тулиев зиммасига юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



Ў.Курбанов